ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.05.2018.FM/T.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИУТИ

ИГАМОВ САЙРАМБАЙ БАДАМБАЕВИЧ

ЎТА ПАСТ ЭНЕРГИЯЛАРДА ЯДРОВИЙ – АСТРОФИЗИК РАДИАЦИОН ҚАМРАШ РЕАКЦИЯЛАРИНИ ҲИСОБЛАШНИНГ МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН ИККИ ВА УЧ ЗАРРАЧАЛИ УСУЛЛАРИ

01.04.08 – Атом ядроси ва элементар зарралар физикаси. Тезлаштирувчи техника

ФИЗИКА МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

УДК 539.144.3

Физика-математика фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) физико-математических наук

Content of the dissertation abstract of the doctor (DSc) on physical and mathematical sciences

Игамов Сайрамбай Бадамбаевич
Ўта паст энергияларда ядровий – астрофизик қамраш реакцияларини ҳисоблашнинг модификацияланган икки ва уч заррачали усуллари … 3

Игамов Сайрамбай Бадамбаевич
Модифицированные двух- и трехчастичные методы расчета ядерно-астрофизических реакций радиационного захвата при сверхнизких энергиях ……. 26

Igamov Sayrambay
Modified two- and three – particle methods of the calculation of the nuclear - astrophysical radiative capture reactions at extremely low energies …… …….. 48

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works…… 51

ИОН-ПЛАЗМА ВА ЛАЗЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.05.2018.FM/T.65.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

ИГАМОВ САЙРАМБАЙ БАДАМБАЕВИЧ

ЎТА ПАСТ ЭНЕРГИЯЛАРДА ЯДРОВИЙ – АСТРОФИЗИК РАДИАЦИОН ҚАМРАШ РЕАКЦИЯЛАРИНИ ҲИСОБЛАШНИНГ МОДИФИКАЦИЯЛАНГАН ИККИ ВА УЧ ЗАРРАЧАЛИ УСУЛЛАРИ

01.04.08 – Атом ядроси ва элементар зарралар физикаси.
Тезлаштирувчи техника

ФИЗИКА МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Физика-математика фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.DSc/FM33 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.inp.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Ярмухамедов Рахим** физика-математика доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Каноков Зокиржон** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Усманов Пазлитдин Нуритдинович физика-математика фанлари доктори, доцент
	Олимов Косим физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Ал-Фороби номидаги Қозоқ Миллий Университети**

Диссертация ҳимояси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти ҳузуридаги DSc.30.05.2018.FM./T.65.01 рақамли Илмий кенгашнинг асосида тузилган бир марталик илмий кенгашнинг 2019 йил _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент ш., Дўрмон йўли кўчаси 33, Ион-плазма ва лазер технологиялари институти. Тел. (+99871) 262-31-69; факс (+99871) 263-32-54; e-mail: info@iplt.uz).

Диссертация билан Ион-плазма ва лазер технологиялари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган. (Манзил: 100125, Тошкент ш., Дўрмон йўли кўчаси 33, ИПЛТИ. Тел. (+99871) 2623169).

Диссертация автореферати 2019 йил «___ » _____ куни тарқатилди.
(2019 йил “____”_____даги ____ рақамли реестр баённомаси)

Х.Б.Ашуров
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

Д.Т.Усманов
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

И. Нуритдинов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси
ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда Қуёш ва массив юлдузларда кечаётган *pp*-занжир ва CNO – цикл орқали енгил ядролар ҳосил бўлиши билан борадиган ядровий – астрофизик жараёнлар тезлигини юқори аниқликда аниқлаш замонавий ядровий астрофизиканинг, шунингдек космологиянинг энг муҳим муаммоларидан ҳисобланади. Муаммонинг ечими ушбу жараёнларнинг асосини ташкил этадиган, A(a,γ)B радиацион қамраш ядровий - астрофизик реакцияларнинг ўта қуйи энергиялардаги ($E\leq$ 100 кэВ), шу жумладан гамов пики энергияларидаги кесимларини (астрофизик S - факторларини) юқори аниқликда аниқлашга бориб тақалади. Бу энергияларда лаборатория шароитида реакция кесимларини жорий экспериментал услублар ёрдамида керакли аниқликда ўлчашларни амалга оширишнинг имкони бўлмаяпти. Шу сабабли, ўта қуйи энергияларда кечаётган A(a,γ)B радиацион қамраш ядровий - астрофизик реакциялар кесимларининг юкори аниқликдаги қийматларини топиш учун назарий ва экспериментал услубиятлар ишлаб чиқиш ўта муҳимдир.

Ҳозирги кунда жаҳонда қуйи ва ўта қуйи энергиялар ядро физикаси соҳасида фундаментал тадқиқотлар олиб боришга катта аҳамият берилмоқда. Шу маънода (10-15 МэВ/N) ва ўта қуйи энергиялар учун ядровий реакциялар кесимини аниқлашнинг асимптотик назарияси яратилди ва ривожлантирилаяпти ҳамда прецизион экспериментал услубиятлар технологиялари такомиллаштирилаяпти. Ядровий реакциялар асимптотик назарияси асосий ғояси перифериялы сиртли узатиш A(x,y)B реакциялари (бунда $x\rightarrow y+a$; a+A→B), ўта қуйи энергияда радиацион қамраш A(a,γ)B реакциялари кесимлари $A + a \rightarrow B$ боғланган ҳолат тўлқин функциясининг асимптотик нормировка коэффициенти (АНК) га тўғридан тўғри боғлиқ эканлигидан иборат. Шундан келиб чиқиб, ушбу реакциялар кесимларини юқори аниқликда аниқлаш муаммолари АНК нинг экспериментал қийматларини юқори аниқликда аниқлашга бориб тақалади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда қуйи энергияларда кечадиган ядровий реакциялар кесимини аниқлашнинг асимптотик назарий усулларининг яратилиши ва ривожлантирилиши, замонавий технологияларга асосланган прецизион экспериментал услубиятларнинг жорий этилиши жаҳон миқёсидаги муҳим илмий натижаларни қўлга киритиш имконини берди. Хусусан, енгил ядролар тўқнашишлари билан кечадиган ядровий реакцияларни тадқиқ қилишга мўлжалланган компютерлашган бошқариш тизимига эга электрон статик тезлатгичнинг ишга туширилгани, дунё тадқиқот марказлари олимлари, шу жумладан, республикамиз олимлари таҳлил қилишнинг асимптотик усулларининг яратилиши ва ривожлантирилиши бунга сабаб бўлди. Олинган натижаларнинг аниқлик даражасини яна ҳам ошириш йўлида замонавий технологияларни тадбиқ этиш орқали ядровий реакциялар экспериментал услубиятларини

такомиллаштириш, фундаментал катталик ҳисобланган АНК нинг юқори аниқликдаги экспериментал қийматларини аниқлашнинг назарий усулларини ривожлантириш ва уларни енгил ядролар тузилиши масалаларига ҳамда замонавий ядровий – астрофизика ва космологиянинг муаммоларини ҳал этишга тадбиқ этиш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Қуёш ва массив юлдузларда кечадиган ҳар хил ядровий астрофизика жараёнлар тезлигини аниқлаш учун қуйи ва ўта қуйи энергияларда ядро физикаси соҳасида фундаментал тадқиқотлар олиб бориш Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йиллардаги Ҳаракатлар[1] стратегиясига киритилган. Бу тадқиқотлар ядровий астрофизика, бошқариладиган термоядровий жараёнлар физикаси, ҳамда ядровий энергетика муаммоларига тўғридан – тўғри боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 1 мартдаги ПФ–4512- сон “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар Академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарорларида, 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармонида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг II.«Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Ядро тузилиши назариясини ривожлантириш ҳамда қуйи ва ўта қуйи энергияларда ядровий жараёнларни тадқиқ қилиш бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказларида, жумладан: Техас Университетининг Циклотрон институтида (АҚШ), Суррей Университетида (Буюк Британия), Европа Коллабрацияси тезлаштирувчи лабораторияси, Осака ва Токия Университетлари ядровий тадқиқотлар марказлари (Япония), Экспериментал ядро физикаси ва астрофизикаси маркази (АҚШ), ТРИУМФ – Канада зарралар тезлатгичлари маркази (Канада), Ядро физикаси миллий институти (Катания, Италия), Брюссель Либре Университети (Белгия), Атом энергияси институти (Хитой), М.В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети қошидаги ядро физикаси илмий тадқиқот институти (Россия), “Курчатов институти” Миллий тадқиқот маркази (Россия), Ядро физикаси институти (Қозоғистон), Ядро физикаси институти (Ўзбекистон), Ал – Фараби номидаги Қозоқ Милий университети (Қозоғистон), В.Г.Фесенков номидаги Астрофизика институтида (Қозоғистон) илмий ишлар олиб борилмоқда.

[1] 2017 йил 7 февральдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Енгил ядролар тузилиши, зарядланган заррачани сиртли узатиш ядровий жараёнлари механизмлари ҳамда қуйи ва ўта қуйи энергияларда радиацион қамраш реакцияларини назарий тадқиқи бўйича дунё миқёсида бир қатор муҳим натижаларга эришилган, жумладан: енгил ядролар тузилиши фундаментал характеристикалари (масалан, боғланиш энергияси, ўрта квадратик радиуси ва АНК) турли микроскопик моделлар ва турли икки заррали потенциаллар ёрдамидаги *ab initio* ҳисоблашлар доирасида тадқиқ қилинган, ва бунда олинган қийматларнинг қўлланилган моделлар ва потенциалларга кучли боғлиқлишги аниқланган (Брюсселнинг Либре Университети, Токио Университети ва бошқ.); уйғониш назарияси бўйича ўтиш оператори бош қисмининг нолинчи ва биринчи тартиб доирасида олинган модификацияланган бузилган тўлқинлар усули асосида (МБТУ) *a* заррачани узатиш сиртли реакцияларининг бориши асосий механизмлари ва бир қатор B (A + *a* $\rightarrow$ B) ядролар учун АНК нинг экспериментал қийматларини олиш эҳтимолликлари ўрганилган (Техас университетининг Циклотрон институти, Суррей университети, Хитой Атом энергияси институти, “Курчатов институти” Миллий тадқиқот маркази, Қозоғистон Ядро физикаси институти ва Ўзбекистон Ядро физикаси институти); *pp*-занжири ва CNO циклининг муҳим ядровий - астрофизик реакциялари микроскопик ва икки – ва уч – заррали потенцил моделлари доирасида ўрганилиб чиқилган (Техас университетининг Циклотрон институти, Суррей университети, Хитой Атом энергияси институти, Брюсселнинг Либре Университети, Европа Коллаборацияси тезлаштирувчи лабораторияси, Осака ва Токио Ядровий тадқиқот марказлари, Қозоғистоннинг Аль-Фараби номидаги Қозоқ Миллий университети ва Астрофизика институти).

Дунёда енгил ядролар тузилиши, зарядланган заррачани сиртли узатиш ядровий жараёнлари механизмлари ҳамда қуйи ва ўта қуйи энергияларда радиацион қамраш реакцияларининг назарий тадқиқи бўйича мос равишда қуйидаги устувор йўналишларда фундаментал тадқикотлар олиб борилмоқда: енгил ядролар учун АНК қийматлари учун микроскопик ҳисоблашлар, олинаётган натижаларнинг қўлланилаётган модел параметрларига сезгирлигини аниқлаш, АНК нинг экспериментал қийматларини олиш ҳамда уларни *pp* - занжир ва CNO цикл реакцияларининг S – факторларини ҳисоблаш, уларнинг гамов пики то нолгача энергияларда экстраполяцион қийматларини аниқлаш учун ишлатиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги кунда дунёнинг етакчи олимлари, жумладан, белгиялик (D. Baye, P. Discouvement), америкалик (A. M. Mukhamedzhanov, P.E. Tribble, K. M. Nollett, R. G. H. Robertson ва бошқ.), германиялик (D. Bemmerer, K. Langanke, P. Mohr, C. Rolfs, T. Neff), япониялик (T. Kajino, T. Motabayashi, K. Ogata, H. Hidetoshi), италиялик (C. Spitareli, M. La Cognata), буюк британиялик (R.C. Johnson, N. K. Timofeyuk), франциялик (A. Coc), канадалик (B. Davids), россиялик (Л. Д Блохинцев, В. И. Кукулин,С. Б. Сакута), қозоғистонлик (Н Буртебоев, М. Жусупов, С.В. Дубовиченко), ўзбекистонлик (Р. Ярмухамедов, С.В. Артемов,

Б.Ф. Иргазиев) ва бошкалар томонидан протоннинг сиртли узатиш реакциялари ва қуйи ва ўта қуйи энергияларда радиацион қамраш реакциялари бўйича бутун бир тадқиқот ишлари цикллари амалга оширилган. Аммо бу ишларнинг аксарияти моделли ёндашишларга бағишланган бўлиб, бундай ёндашишлар енгил ядролар учун АНК нинг қийматини ҳисоблашда сезиларли ноаниқликларга олиб келган. Оқибатда, *pp*-занжир ва CNO цикл ядровий - астрофизик реакциялар тезликларини ҳисоблашлар бўйича аниқ қийматлар олинмаган.

Айтиб ўтилган муаллифларнинг аксарияти АНК нинг қийматлари ҳақида маълумот олишда ва уларни *pp*-занжир ва CNO цикл ядровий - астрофизик реакцияларнинг S – факторларини ўта қуйи энергиялар соҳасига экстраполяция қилишда ишлатишда яқинлашган назариялардан фойдаланганлар. Бундай яқинлашишлар орқали экспериментал маълумотларни назарий йўл билан олишда муаллифлар, биринчидан, протонни сиртли узатиш реакциялари амплитудасини поляризациялашган потенциалнинг қаторга ёйилмасининг нолинчи ва биринчи ҳадларининг ҳиссалари билан чегараланибгина қолиб, юқори тартибдаги ҳадлар ҳиссаларини ҳисобга олмаганлар. Иккинчидан, протоннинг нишон ядроси билан тўғридан тўғри радиацион қамраш реакцияси амплитудасини ҳисоблашда икки заррали потенциаллар доирасида физик жараёнларга адекват бўлмаган моделли яқинлашишлар ишлатилган (С.В. Дубовиченко, D. Baye, P. Discouvement ва бошқалар). Ҳар хил моделлар ва ёндашишлар доирасида амалга оширилган таҳлил натижалари ўзаро катта ички четлашишлардан билан бирга экспериментал натижалардан ҳам узоқлашишлар борлигини кўрсатди. Айниқса, бу кўрсаткичлар протоннинг қолдиқ ядронинг саёз ҳолатларига тутилганда яққол намоён бўлади. Масалан, протонни сиртли узатиш реакцияларини МБТУ доирасидаги (A.M. Mukhamedzhanov, P.E. Tribble) ёки микроскопик моделдаги (D. Baye, P. Discouvement) таҳлилидан олинган АНК қийматлари билан ўта қуйи энергияларда ҳисобланган ^{7}Be(p,γ)^{8}B тўғри радиацион қамраш реакцияси астрофизик S – фактор қийматлари бу катталикнинг замонавий прецизион экспериментал қийматларидан ё ошиб кетган, ё пастлаб кетган. Шундан келиб чиқиб, кўрилаётган сиртли жараёнларда уйғониш назариясига биноан поляризацион потенциаллар қатори ёйилмасида юқори (иккинчи ва ундан кейинги) ҳадлар ҳиссаларини инобатга олиш ҳамда ядровий реакцияларни АНК билан параметризациялашни физик жараёнларга тўғри мослай билиш мақсадга мувофик бўлади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ядро физикаси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф-2.1.19 ”Қуйи энергияларда ядровий астрофизикада зарядланган заррани узатишнинг перифериялы реакцияларининг асимптотик назариясини ва ядро тузилишини ҳисоблашнинг мувофиқлаштирилган методини яратиш” (2003-2007); ФА-Ф2-Ф077 ”Ядровий

астрофизикада қуйи ва ўта қуйи энергияларида ядролар ва перифериялы ядро реакцияларининг фундаментал хусусиятларини ҳисоблаш методларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш" (2007-2011); Ф2-ФА-Ф117 "Ядровий астрофизикада ядро фундаментал хусусиятларининг динамик хоссалари устида тадқиқотлар" (2012-2016) илмий тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади зарядланган заррачани сиртли узатиш, қуйи ва ўта қуйи энергияларда радиацион қамраш ядровий жараёнларини ҳисоблашнинг асимптотик усулларини ишлаб чиқиш, $A + a \rightarrow B$ учун АНК нинг экспериментал қийматларини аниқлаш ва уларни *pp*- занжир ва CNO цикл реакциялари астрофизик S- факторларининг ўта қуйи энергияларда қийматларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

зарядланган заррачани тўғри радиацион қамраш $A(a,\gamma)B$ ядровий - астрофизик реакцияни $A + a \rightarrow B$ учун АНК ҳақидаги маълумотдан фойдаланиб моделга тааллуқсизлик йўли билан ҳисоблашнинг модификацияланган икки заррачали потенциал усулини (МИЗПУ) ишлаб чиқиш;

қуйи энергияларда $t(\alpha,\gamma)^7Li$ ва ^7Be $(p,\gamma)^8B$ тўғри радиацион қамраш реакциялари астрофизик S – факторлари бўйича олинган замонавий прецизион экспериментал маълумотларни ($S^{exp}(E)$) МИЗПУ доирасида таҳлилни амалга ошириш, $\alpha + t \rightarrow {}^7Li$ ва $^7Be + p \rightarrow {}^8B$ реакциялар учун АНК экспериментал қийматларини аниқлаш, олинган ушбу қийматларни ўта қуйи энергияларда кўрсатилган реакциялар астрофизик S – факторларини ва уларнинг хатоликларини аниқлашда ишлатиш;

сиртли узатиш ядровий реакция $A(x, y)B$ ($x= y + a$, $B= A + a$ ва a – узатилаётган заррача) учун модификацияланган бузилган тўлқинлар усулини (МБТУ) узатиш механизмлари учун уч заррачали кулон динамикасини яқинлаштирилган ҳолда ҳисобга олиш усули билан умумлаштириш;

МБТУ ни $^6Li(^3He,d)^7Be$, $^{13}C(^3He,d)^{14}N$ $^{14}N(^3He,d)^{15}O$ реакцияларининг дифференциал кесимларининг эксперимент натижалари таҳлилига қўллаш орқали $^6Li + p \rightarrow {}^7Be$, $^{13}C+ p \rightarrow {}^{14}N$ ва $^{14}N+ p \rightarrow {}^{15}O$ лар учун АНК экспериментал қийматларни аниқлаш;

резонанс ҳолат орқали кечадиган $A(a,\gamma)B$ ядровий – астрофизик реакцияларини модификацияланган R – матрица усули орқали ҳисоблашни реакция тўғри қамраш қисми амплитудасининг тўлиқ амплитудаги ҳиссасини аниқ ҳисобга олиш орқали ривожлантириш ва резонанс ҳолат орқали кечадиган $^6Li(p,\gamma)^7Be$, $^{12}C(p,\gamma)^{13}N$, $^{13}C(p,\gamma)^{14}N$ ва $^{14}N(p,\gamma)^{15}O$ реакцияларнинг астрофизик S-факторларининг қуйи энергиялардаги экспериментал қийматларни таҳлилларини амалга ошириш. АНК нинг $^6Li + p \rightarrow {}^7Be$, $^{12}C+ p \rightarrow {}^{13}N$, $^{13}C+ p \rightarrow {}^{14}N$ ва $^{14}N+ p \rightarrow {}^{15}O$ лар учун қийматларидан фойдаланиб, ўта қуйи энергияларда астрофизик S – фактор қийматлар ва уларнинг хатоликларини ҳамда юлдуз муҳити ҳароратлари учун ($0.01 \leq T_9 \leq 10$, $T_9= 10^9$ K) кўрсатилган реакциялар тезлигини аниқлаш;

кўп зарядли ^{208}Pb ядросининг Кулон майдонида тўғри ^{6}Li $\rightarrow \alpha + d$ парчаланиш реакциясини сўнги ҳолатдаги уч заррали кулон эффектларини инобатга олган ҳолда ҳисоблашнинг асимптотик усулини ишлаб чиқиш, $\alpha + d \rightarrow {}^{6}$Li учун АНК қийматларини аниқлаш, олинган АНК қийматларини $d(\alpha,\gamma)^{6}$Li реакция астрофизик S – факторининг ўта қуйи энергияларда ҳисоблаш учун қўллаш;

(^{12}B, ^{12}N) акс тасвир ядроларда NN - потенциалларнинг (V1 ва V2) Волков, M3Y тўрта туриларини ишлатиб, кўп заррали қобиқлар модели доирасида ядро ички ҳолат тўлқинларининг қопланиш интегралларини, ^{11}B + $n \rightarrow {}^{12}$B ва ^{11}C + $p \rightarrow {}^{12}$N лар учун АНК ва спектроскопик факторларни (СФ) ҳисоблашни, ҳамда натижаларнинг ишлатилаётган потенциаллар турларига таъсирчанлигини аниқлашни кўп заррали қобиқлар модели доирасида микроскопик ҳисоблаш усулини ривожлантириш;

^{11}C + $p \rightarrow {}^{12}$N учун АНК нинг ҳисоблаб топилган қийматлари билан ўта қуйи энергияларда ^{11}C$(p,\gamma)^{12}$N тўғри радицион қамраш реакцияси учун астрофизик S-факторларни қийматларини аниқлаш.

Тадқиқот объекти енгил ядролар тузилиши, массив юлдузлар ва Қуёш бағрида кечадиган ядровий – астрофизик реакцияларидан иборат.

Тадқиқот предмети қуйи ва ўта қуйи энергияларда енгил ядролар қатнашувида сирт билан кечадиган ядровий жараёнлардир.

Тадқиқот усули. Қуйи энергияларда сиртли ядровий жараёнларнинг асосий механизмларини аниқлаш учун икки ва уч тана моделида Шредингер формализми енгил ядролар тузилиши ва ядровий реакциялар назарияси ҳамда аналитик усуллар ва қуйи энергиялар ядровий реакциялар дисперсион назариялари, ФОРТРАН тилида дастурлаш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

моделга таалуқсизликка асосланган аниқлашнинг модификацияланган икки заррачали потенциал усулини доирасида АНК нинг экспериментал қийматларини аниклаш ишлаб чиқилган;

$\alpha + t \rightarrow {}^{7}$Li($g.s.$), $\alpha + t \rightarrow {}^{7}$Li(0.478 МэВ) ва ^{7}Be + $p \rightarrow {}^{8}$B лар учун АНК нинг экспериментал ҳамда $0 \leq E \leq 25$ кэВ энергияларда t(α,γ) ^{7}Li ва ^{7}Be$(p,\gamma)^{8}$B реакциялар астрофизик S – факторлари қийматлари аниқланган;

уч заррали (A, a ва y) модели доирасида A(x,y)B периферриал ядровий реакцияларда (бу ерда $x=y+a$ ва B=A+a) a заррачани узатиш механизмида уч заррачали кулон динамикасини якинлаштирилган ҳолда ҳисобга олишнинг умумлашган модификацияланган бузилган тўлқинлар усули ривожлантирилган;

^{6}Li(^{3}He,d)^{7}Be, ^{13}C(^{3}He,d)^{14}N ва ^{14}N(^{3}He,d)^{15}O реакцияларда протон узатиш механизмида уч заррачали кулон динамикасининг ҳиссаси ва унинг ^{6}Li + $p \rightarrow {}^{7}$Be, ^{13}C+ $p \rightarrow {}^{14}$N ва ^{14}N + $p \rightarrow {}^{15}$O ларга таъсири миқдорий баҳоланган;

амплитуданинг тўғри қамраш қисми учун A + $a \rightarrow$ B АНК ҳақидаги аниқ маълумотни ҳисобга олган холда A(a,γ)B ядровий - астрофизик реакцияни ифодалайдиган модификацияланган икки заррачали R- матрица усули ривожлантирилган;

^{6}Li(p,γ)^{7}Be, ^{12}C(p,γ)^{13}N, ^{13}C(p,γ)^{14}N, ^{14}N(p,γ)^{15}O реакияларининг $0 \leq E \leq 25$ кэВ энергиялар учун астрофизик S - факторлари, $0.01 \leq T_9 \leq 10$ ҳарорат оралиғи учун тезликлари ҳамда ^{13}N ядросининг (2. 365 МэВ; $1/2^-$) резонанс ҳолати учун радиацион кенглиги аниқланган;

юлдузлар бағрида водород ёнишининг CNO цикли энг суст ^{14}N(p, γ)^{15}O реакцияси орқали ёниши қабул қилингандан яна 1.8 марта секин бўлиши аниқланган;

^{208}Pb (^{6}Li,α d)^{208}Pb кулон парчаланишининг уч карра дифференциал кесимини уч заррачали таҳлил усули ишлаб чиқилган;

$\alpha + d \rightarrow {}^{6}$Li учун АНК нинг экспериментал қийматлари ва $0 \leq E \leq 100$ кэВ энергияларда $d(\alpha,\gamma)^{6}$Li реакцияси астрофизик S – факторининг қийматлари аниқланган;

(^{12}B, ^{12}N) акс тасвир ядролар учун (^{11}B + n)- ва (^{11}C + p)-конфигурациялар қопланиш интегралларини ҳисоблашнинг микроскопик усули ривожлантирилган;

(^{12}B, ^{12}N) акс тасвир ядроларда Волков (V1 ва V2) ва M3Y (M3Y (E), M3Y (R), M3Y (P) ва M3Y NN потенциаллари учун ^{11}B + $n \rightarrow {}^{12}$B ва ^{11}C + $p \rightarrow {}^{12}$N АНК, СФ, ўртача квадратик радиус қийматлари аниқланган ва уларнинг ишлатилаётган потенциалларнинг турига таъсирчанлиги эътироф этилган;

ўта қуйи энергияларда ^{11}C(p,γ)^{12}N реакцияси астофизик S- факторининг қийматлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

$\alpha + d \rightarrow {}^{6}$Li, $\alpha + t \rightarrow {}^{7}$Li($g.s.$), $\alpha + t \rightarrow {}^{7}$Li(0.478 МэВ), ^{7}Be + $p \rightarrow {}^{8}$B, ^{6}Li + $p \rightarrow {}^{7}$Be, ^{13}C+ $p \rightarrow {}^{14}$N и ^{14}N + $p \rightarrow {}^{15}$O лар учун АНК экспериментал қийматлари аниқланган ва шу қийматлари ёрдамида ўта қуйи $0 \leq E \leq 25$ кэВ энергияларда мос ҳолда $d(\alpha,\gamma)$ ^{6}Li, $t(\alpha,\gamma)^{7}$Li, ^{7}Be(p,γ)^{8}B, ^{6}Li(p,γ)^{7}Be, ^{12}C(p, γ)^{13}N, ^{13}C(p,γ)^{14}N, ^{14}N(p,γ)^{15}O лар астрофизик S – факторлар топилган;

кўриб чиқилган NN- потенциалларнинг олти туридан фақат M3Y(E) тури ^{11}C + $p \rightarrow {}^{12}$N учун АНК ни эксперимент қийматига яқин қилиб тиклаган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ядро физикаси математик физиканинг замонавий усулларини қуйи энергияларда ядровий реакциялар дисперсион назарияси ҳамда замонавий ҳисоблашларнинг ва алгоритмларнинг самарали усулларини қўллашдан иборат; олинган назарий натижаларнинг замонавий прецизион тажрибалар билан олинган экспериментал маълумотлар ва бошқа назарий тадқиқот натижалари билан мос келишлигини батафсил текширишдан иборат; диссертация хулосаларининг енгил ядролар тузилиши ҳамда қуйи ва ўта қуйи энергияларда сиртли ядровий жараёнлар назариялари асосий ҳолатлари билан мос келишидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий ахамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти зарядланган заррачаларни узатиш барьер ости реакцияларини ифодалай олиши билан, шу йўл билан олинган

маълумотларни Қуёшда кечадиган *pp* – занжир реакциялари ва массив юлдузларда ўрин олган иссиқ CNO цикл ядровий - астрофизик жараёнларни ҳисоблашга тадбиқ қилина олиши билан, ушбу жараёнларда туғиладиган янги ядролар бўсаға ости ва резонанс ҳолатларини ифодалай олиши билан белгиланади.

Натижаларнинг амалий аҳамияти уларнинг атом ва ядро физикаси бир нечта тана квант-механикавий муаммоларини ечишда, ҳамда Қуёш нейтрино оқимининг олдидан айтиб беришда ва Коинотда Катта Портлаш даврида пайдо бўлган енгил элементларни миқдорий аниқлашда муваффақиятли қўлланиши мумкин. Асимптотик усуллар ва уларни қўллаш асосида олинган АНК қийматлари (масалан, $\alpha + t \rightarrow {}^{7}\mathrm{Li}$, ${}^{7}\mathrm{Be} + p \rightarrow {}^{8}\mathrm{B}$ ва ${}^{6}\mathrm{Li} + p \rightarrow {}^{7}\mathrm{Be}$ АНК лари) ва сиртли узатиш ҳамда радиацион қамраш реакциялари кесимларининг янги қийматлари Италия, Венгрия, Польша, Япония, Қозоғистон ва Ўзбекистон илмий марказалари тезлатгичларида янги прецизион экспериментлар қўйилишларига сабаб бўлди ва бўлиб келмоқда.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўта қуйи энергияларда кечадиган ядровий астрофизика реакцияларини ҳисоблашнинг таклиф этилган модификацияланган икки заррачали потенциал ва ривожлантирилган *R* – матрица усуллари ҳамда зарядланган заррачани узатиш механизмида уч – заррачали кулон динамикасини ҳисобга олиш усули асосида:

ривожлантирилган бошланғич, оралиқ ва сўнги ҳолатларда периферал барьер усти A(x, y)B (x= y + *a*, B= A + *a*, бунда *a* – узатма заррача) реакцияларини зарядли заррача *a* ни узатиш механизмида уч заррачали кулон эффектларини яқинлаштирилган ҳолда ифодалашнинг умумлаштирилган модификацияланган бузилган тўлқинлар усули (МБТУ) Қозоғистон Республикаси Энергетика вазирлиги Ядро физикаси институтида амалга оширилган енгил ядроларнинг дейтрон ва алфа заррачалар билан таъсирлашувида кечадиган ядровий реакцияларни таҳлил қилишда фойдаланилган (Қозоғистон Республикаси Энергетика вазирлиги Ядро физикаси институтининг 2018 йил 12 июндаги 34-02-13/836 - сонли маълумотномаси). Илмий натижаларининг қўлланилиши бир қатор CNO – цикли ядровий астрофизик реакциялари астрофизик S-факторларининг экспериментал қийматларининг аниқ ифодаланишига ва унинг гамов пики атрофи энергия ҳудудига юқори аниқликдаги экстраполяциясига эришиш имконини берган;

таклиф этилган қуйи энергияларда A(*a*,*γ*)B тўғри радиацион қамраш ядровий - астрофизик реакциясини ифодалаш учун янги модификацияланган икки заррачали потенциал усули (МИЗПУ) ҳамда A(*a*,*γ*)B резонанс радиацион қамраш ядровий – астрофизик реакциясини ифодалашнинг резонанс ва тўғри радиацион қамрашларини, $A + a \rightarrow B$ АНК си ҳақидаги маълумотдан фойдаланган ҳолдаги ривожлантирилган модификацияланган *R* – матрицали усули Ўзбекистон Миллий университети ЭГ-2 электрон тезлаткичида олиб борилаётган илмий изланишлар экспериментал методикаларини яратишда қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва

ўрта – махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 6 сентябрдаги 89-0303148 - сонли маълумотномаси). Илмий натижаларининг қўлланилиши протоннинг ^{12}C ва ^{16}O ядролари билан қамраши бўйича янги эксперимент натижалари олишга ҳамда протоннинг ^{12}C ва ^{14}N ядролари томонидан радиацион қамраш ядровий - астрофизик реакциялари тезлигини аниқлашга имкон берган;

$^{12}C(p,\gamma)^{13}N$ радиацион қамраш реакцияси астрофизик *S* – фактор бўйича олинган натижалар халқаро олимлар томонидан хорижий илмий журналларда (Nuclear Physicis A 918, 61-169, 2013, IF =1.992; Nuclear Physicis A 834, 661-663, 2010, IF =1.992; Reviews of Modern Physics 83, 195-245, 2011, IF =36.917 ва бошқалар) Қуёш қаърисида ва массив юлдузларда юз берадиган $^{12}C(p,\gamma)^{13}N$ реакция тезлигини аниқлаш бўйича маълумотлар базасини яратиш ҳамда олинган натижалар бўйича қиёслаш таҳлилларини олиб боришда ишлатилганлиги қайд этилган.

Тадқиқотнинг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 15 та халқаро ва республика анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш нашр қилинган, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиянинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, шулардан 10 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 184 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлар ва усуллари тавсифланган, Ўзбекистон Республикасининг фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Модификацияланган икки заррачали потенциал услуби”** номли биринчи бобида $t(\alpha,\gamma)^7Li$ ва $^7Be(p,\gamma)^8B$ реакциялар ҳақида адабиётларнинг қисқа обзори ҳамда бошқа авторлар томонидан олинган натижаларнинг батафсил критик таҳлили келтирилган. Шунингдек, $A(\alpha,\gamma)B$ тўғри радиацион қамраш реакцияларининг МИЗПУ доирасида ўрганишнинг асосий ғояси баён этилган.

Биринчи бобнинг биринчи бўлимида тўғри радиацион қамраш реакция астрофизик S –факторининг математик ифодаси умум спин кинематика доирасида $A+a\rightarrow B$ учун АНК квадрат (C^2) ининг аналитик ҳисобланадиган, $(A+\alpha)$ - боғланган ҳолат ҳамда $A\alpha$- сочилиш тўлқин функцияларини узун

тўлқинли ёндашишда олинган электромагнит ўтиш оператори билан сверткаси радиал интегралини ўз ичига олган $R(E,b)$ – функция билан факторланган кўпайтмаси кўринишида олинган. Бу ерда b - бир заррачали АНК, қайсики (А+α) – боғланган ҳолат бир заррачали қобиқ тўлқин функцияси “думи” нинг амплитудасини белгилайди. У Вудс – Саксон потенциали геометрик параметрлари (радиус r_0 ва диффузиялангани a) га ўта тобе бўлиб, моделли параметр ҳисобланади. МИЗПУ да иккита шарт шаклланган бўлиб: 1) $R(E,b)$= const ҳолати E нинг бирор бир қотирилган қийматида b нинг ҳар қандай вариацияси учун сақланиши керак; 2) $C= S(E)/ R(E,b)$ нисбат b нинг ҳамда E нинг ўзгаришига таалуқсиз бўлиши керак.

Шу икки шартнинг бажарилиши $E=E_i$ (i=1,2, … N) экспериментал энергиялар учун $(C_i^{exp})^2= S^{exp}(E_i)/ R(E_i,b)$ ифода ёрдамида АНК нинг моделга таалуқсиз экспериментал қийматларини аниқлашга, уларнинг ўртача қийматидан фойдаланиб, $S(E)= (C^{exp})^2 R(E,b)$ ифода ёрдамида астрофизик S - факторнинг гамов пикидан то нолгача энергияларда (ўта қуйи энергиялар соҳаси) қийматларини хатоликлари билан биргаликда ҳисоблаб топиш имконини беради.

Кўрсатилган шартлар диссертацияда таҳлил остига олинган $t(\alpha,\gamma)^7$Li ва ^{7}Be$(p,\gamma)^8$B реакциялар учун ўта юқори аниқликда бажарилиши аниқланган. t+α→^{7}Li(асосий), t+α →^{7}Li(0.478 МэВ) ва ^{7}Be + p→^{8}B лар учун АНК нинг экспериментал қийматлари ҳамда астрофизик S- факторнинг ўта қуйи энергияларда қийматлари хатоликлари билан биргаликда аниқланди. Бу қийматлар t+α→^{7}Li(асосий) ва t+α →^{7}Li(0.478 МэВ) лар учун мос равишда $(C^{exp})^2$ = 12.74±1.10 ва 9.00±0.90 Фм$^{-1}$ ҳамда ^{7}Be + p→^{8}B учун $(C^{exp})^2$=0.626±0.017 Фм$^{-1}$ тенг бўлиб чиқди. Астрофизик S- факторнинг E= 0



1 – расм. Чапда - ^{7}Be +p→^{8}B учун $E=E_i$ (i=1,2, … N) да топилган АНК экспериментал қийматлари келтирилган. Тўғри чизиқ ва тасма кенглиги орқали АНК нинг ўртача қиймати ва уни топиш хатолиги берилган. Ўнгда - ^{7}Be$(p,\gamma)^8$B реакция учун ҳисобланган астрофизик S – фактор $S(E)$ нинг қийматлари келитирилган. Узлуксиз эгри чизиқ ва тасма кенглиги астрофизик S – факторнинг ўртача қиймати ва уни топиш хатолигини билдиради, пунктир чизиқлар ва штрих чизиқлар [Phys. Rev. C 70, 065802 (2004)] ишда

Белгия олими P. Descouvemont томонидан микроскопик ҳисоблаш доирасида *NN* - потенциалларнинг Волков(V2) ва Минессота(MN) турлари учун олинган натижалар; тасма – бизнинг натижаларимиз (тасма кенгли усул хатолигини аниқлайди); икки нуқтали пунктирлар– G. Tabacaru, ва бошқ.[Phys.Rev. C73 (2006)025808] ҳамда H. M. Xu, ва бошқ.[Phys. Rev. Lett. 73, 2027 (1994)] томонидан ҳисобланган натижалар. Эксперимент натижалар A. R. Junghans, ва бошқ.[Phys. Rev. Lett. 88, 041101 (2002)] ҳамда L. T. Baby, ва бошқ [Phys. Rev. C67 (2003) 065805] ишларидан келтирилган.

ва 20 кэВ (гамов пики) лардаги қийматлари $t(\alpha,\gamma)^7$Li реакция учун $S(0)$ = 0.0974±0.010 кэВ·бн и S(20 кэВ) = 0.0944±0.010 кэВ·бн, ^{7}Be(p, γ)^{8}B реакция учун $S(0)$ = 23.35±0.65 эВ·бн и S(20 кэВ) = 22.65±0.63 эВ·бн тенг бўлди. Олинган натижалар илмий адабиётларда берилган бошка натижалар билан солиштирилган.

1 - расмда ^{7}Be(p,γ)^{8}B реакция учун $(C_i^{\exp})^2$ олинган қийматлари ва ҳисобланган $S(E)$ натижалари бошқа манбалар билан солиштирилгандаги ҳолати келтирилган.

Бошқа муаллифларнинг $t+\alpha\rightarrow^7$Li ва ^{7}Be + $p\rightarrow^8$B лар учун АНК, $t(\alpha,\gamma)^7$Li ва ^{7}Be(p, γ)^{8}B лар учун астрофизик S- факторларнинг ўта қуйи энергияларда олган натижаларини критик қиёсий таҳлили асосида шундай хулосага келиндики, ушбу ишда тақдим этилган $S^{\exp}(E_i)$ замонавий прецизион эксперимент натижаларини моделга таалуқсизлик йўли билан таҳлил қилиш доирасида олинган натижалар энг аниқ натижалар ҳисобланади.

Диссертациянинг “**Зарядланган заррачани узатиш механизмининг уч заррачали динамикаси ва бузилган тўлқинлар умумлашган модификацияланган усули**” номли иккинчи бобида уч танали Шредингер формализми доирасида A(x, y)B (x= y + a, B= A + a, бу ерда – узатилаётган заррача) зарядланган заррачани узатиш периферал реакцияси амплитудаси (M^{TB}) ифодаси олинган. M^{TB} амплитудаси ўтиш операторида узатиш бош механизми ҳиссаси, қайсики оралиқ ҳолатда мавжуд барча уч заррачали (A, a ва y) қайта кулон сочилишларни ўз ичига олади, ($\Delta V_{i,f}^C$) кулон қутбланган потенциали бўйича қаторга ёйилмасининг барча тартибдаги (нолинчи, биринчи ва юқори) ҳадлари яқинлаштирилган ҳолда ҳисобга олинади. Бунда бошланғич ва сўнги ҳолатлардаги мавжуд кулон - ядровий бузилишлар таъсири оптик модел доирасида кўриб чиқилади. M^{TB} амплитудани модификацияланган бузилган тўлқинлар усули (МБТУ) доирасида олинган амплитудаси деб олиб, y + $a \rightarrow$ x ва A + $a \rightarrow$ B каналлар АНК (C_{Aa} ва C_{ya}) орқали параметрланган ҳолатда ёзиш мумкин. M^{TB} амплитуданинг cosθ ўзгарувчи бўйича аналитик хоссаларидан келиб чиқиб, бурчак тақсимот бўйича бош максимум учун дифференциал кесим (ДК) ифодаси қуйидаги кўринишда олинди:

$$\frac{d^{TB}\sigma}{d\Omega} = \left|R_a\right|^2 C_{Aa}^2 C_{ya}^2 R_{post}^{DBWA}\left(E_i,\theta;b_B,b_x\right) . \qquad (1)$$

Бу ерда R_a - уч заррачали кулон қайта нормировкалаш фактори (УЗККҚНФ) ва $R_{post}^{DBWA}(E_i,\theta;b_B,b_x)$ – бузилган тўлқинлар усули (БТУ) ($\Delta V_{i,f}^{C}$=0) “post”-яқинлашишда ҳисобланадиган ДК, бунда E_i – тўқнашаётган ядролар нисбий кинетик энергияси, θ – массалар маркази саноғида олинган сочилиш бурчаги, b_B, ва b_x - x ва B ядролар ((y + a) ва (A + a)) - боғланган ҳолатлар бир заррачали АНК. (1) да УЗККҚНФ R_a ифоданинг ўнг томонида пайдо бўлишига бошланғич ва сўнги ҳолатларда уч заррали кулон эффектларини яқинлаштирилган ҳолда ҳисобга олиш сабабдир.

Мазкур бобда ^{3}He-ионларининг ^{6}Li, ^{12,13}C ва ^{14}N ядролари билан барьер усти энергияларда бомбардимон қилганда сўнги ядронинг боғланган ва бўсаға ости ҳолатларига протон узатиш периферал реакциялари ДК экспериментал қийматларини таҳлили натижалари келтирилган. (1) ифодадаги эркин параметрлар бўлмиш b_B ва b_x (x=^{3}He) ларини вариация қилиш орқали АНК (C_{Ap}^2) ни аниқлашнинг моделга таалуқсиз йўлини топиш шарт - шароитлари муҳокама қилинган. АНК (C_{Ap}^2) нинг янги қийматлари аниқланган, уч заррачали кулон эффектларининг таъсири миқдорий баҳоланган. Кўрсатилдики, уч заррачали кулон эффектларининг олинаётган АНК қийматига таьсири сезиларли бўлиб, 26% - 50% ($|R_a|^2$=1.26 – 1.50) ораликда ҳосил бўлаётган ядро турига қараб ўзгариши мумкин. Таҳлиллар БТУ “post”-яқинлашишни, уч заррачали кулон эффектларини ҳисобга олмасдан, протон узатиш перифериал реакцияларини таҳлил қилиб, A + $p\rightarrow$ B АНК нинг ишончли қийматларини олишга ишлатиш яроқсиз эканлигини кўрсатди.

Диссертациянинг **“Резонансли радиацион қамраш реакцияси учун R – матрица усули”** номли учинчи бобида қуйи энергияларда B* резонанас ҳолат орқали борадиган A(a,γ)B радиацион қамраш реакциясини ифодалашнинг модификацияланган R – матрица усулининг асосий ғояси ва бандлари баён этилган. Оралиқ ҳолатда B* резонанс орқали борадиган A + a $\rightarrow$ B*$\rightarrow$ B + γ реакция механизмига жавоб берадиган $M_{\alpha\beta}^{(R)}(E)$ қутбий амплитуданинг ички ($0\le r \le r_C$, r_C – канал радиуси) ички соҳадаги ҳиссасини аниқлаш учун бир сатхли R – матрицали якинланиш ишлатилган.


Қутбий амплитуда $M_{\alpha\beta}^{(R)}$ (E) $E_\lambda^{(R)}$ резонанс энергияси, B*$\rightarrow$ A + a ва B*$\rightarrow$ B + γ парчаланишларга мос равишда $\Gamma_\alpha^a(E)$ ва $\Gamma_{\lambda;\beta}^{\gamma}(E)$ лар парциал a заррача ва радиацион (γ-) резонанс кенгликлари оркали тавсифланади. Бу ерда α= (l_i I J_i) ва β= (L J_i J_f) –квант сонларининг жамламаси, l_i , I, L ва J_i (J_f) - мос равишда a заррачанинг орбитал моменти, канал спини, электромагнит (EL- ва ML-) ўтиш мултиполлиги ва B ядроси резонанс (боғланган) ҳолатининг спини. Радиацион парциал кенглиги ($\Gamma_{\lambda;\beta}^{\gamma}(E)$) иккита қўшилувчиларга ажратилади: $[\Gamma_{\lambda;\beta}^{\gamma}(E)]^{1/2}$= $[\Gamma_{\lambda;\beta}^{\gamma}(E)]_{\rm int}^{1/2}$+$[\Gamma_{\lambda;\beta}^{\gamma}(E)]_{ext}^{1/2}$, бу ерда $[\Gamma_{\lambda;\beta}^{\gamma}(E)]_{\rm int}$ ва $[\Gamma_{\lambda;\beta}^{\gamma}(E)]_{ext}$ – мос равишда радиацион парциал кенгликнинг ички ($0\le r \le r_C$) ва ташқи (a - канал) ($r > r_C$) қисмлари. Бу кенгликлар мос ҳолда

келтирилган парциал кенгликларга ($\gamma^{\gamma}_{\lambda;\beta}$ (*int*) ва $\gamma^{\gamma}_{\lambda;\beta}$ (*ext*)) пропорционал боғланган бўлиб, қўшимча Томас энергетик силжишини ҳам ўз ичига олади. Ҳисобларда $\gamma^{\gamma}_{\lambda;\beta}$ (int) мослаштирувчи параметр деб олинади, $\gamma^{\gamma}_{\lambda;\beta}$ (ext) эса A + $a \rightarrow$ B АНК си билан параметрланган аниқ аналитик ифода оркали ҳисобланади. a заррача ва γ-радиацион кенгликлар экспериментал кийматлари мос равишда $\Gamma^{\exp}_{a;\alpha} = |\Gamma^{a}_{\alpha}(E^{(R)}_{\lambda})|$ и $\Gamma^{\exp}_{\gamma;\beta} = |\Gamma^{\gamma}_{\lambda;\beta}(E^{(R)}_{\lambda})|$ каби аниқланади. Амплитуданинг тўғри радиацион қамраш қисми қуйида берилган:


$$I_{l_f L l_i} = C_{Aa;l_f I} \int_{r_{ch}}^{\infty} dr r^{L-\nu} W_{-\eta_f;l_f+1/2}(2\kappa r)[I_{l_i}(r) - e^{2i\delta^{(HS)}_{l_i}} O_{l_i}(r)] , \qquad (2)$$

бу ерда $I_l(r)$ ($O_l(r)$) – Aa - сочилиш кириш (чиқиш) тўлқинларининг асимптотикалари, ν = 0 (1) *EL* (*ML*) – ўтишлар учун, к – a заррачанинг B ядро бағридаги ҳаракатининг тўлқинлар сони ва $C_{Aa;l_f I}$ - A + $a \rightarrow$B АНК си, ($\delta^{(HS)}_{l}$) –ўтиб бўлмас сферада сочилиш фаза силжиши. (2) да АНК $C_{Aa;l_f I}$ тўғри радиацион қамраш амплитудасининг реакция тўлиқ амплитудасидаги ҳиссасини фиксирлайди. Умум спин кинематикасида резонансли радиацион қамраш реакцияси астрофизик S – фактори учун яққол ифодаси олинган.


Қуйи энергияларда протоннинг ^{6}Li, ^{12,13}C ва ^{14}N ядролари томонидан қамралиш реакцияси астрофизик S-факторлари экспериментал қийматларни модификацияланган R-матрицали усул доирасида таҳлили натижалари келтирилган. Таҳлил диссертациянинг иккинчи бобида олинган A + $p \rightarrow$ B АНК нинг қийматларини фойдаланиб амалга оширилди, протон парциал кенгликлар қийматлари бошқа ишлардан олинди. r_C ва $\gamma^{\gamma}_{\lambda;\beta}$ (*int*) (ёки $\Gamma^{\exp}_{\gamma;\beta}$) мустақил параметрлар бўлиб, уларнинг қийматлари ҳисобланаётган астрофизик S – факторларининг эксперимент натижаларига χ^2 усул ёрдамида мослаштириш орқали аниқланади. Шу йўсинда γ-радиацион кенглик $\Gamma^{\exp}_{\gamma;\beta}$, ва тўғри радиацион қамраш амплитудаларининг қийматлари аниқланди. $0 \leq E \leq$ 50 кэВ энергияларда реакциянинг тўғри радиацион қамраш қисмининг доминантлиги кўрсатилган. Мисол тариқасида 2-, 4- расмларда қуйи энергияларда ^{14}N(p, γ)^{15}O реакция ва унинг $0.01 \leq T_9 \leq 10$ ҳароратларда тезлигининг таҳлил натижалари келтирилган. Олинган натижалар бошқа муаллифларнинг натижалари билан солиштирилган. Илмий таҳлиллар асосида қуйидаги янги қийматлар тақдим этилган: ^{12}C(p,γ)^{13}N реакция учун - S(0)= 1.62±0.20 кэВ бн ва S(25 кэВ)= 1.75±0.22 кэВ бн, ^{13}N (2. 365 МэВ) $\rightarrow$ ^{12}N(осн.) + γ радиацион кенглиги $\Gamma^{\exp}_{\gamma;\beta}$=0.65±0.07 эВ; ^{14}N($p$,$\gamma$)^{15}O реакция учун - S(0)= 1.13 кэВ бн ва юлдузлар бағрида водороднинг ушбу реакция орқали ёниши, аслида умум қабул қилинганидан яна 1.8 марта сустроқ кечади; ^{6}Li(p,γ)^{7}Be реакция учун - S(0)=70.2±12.0 эВбн, парциал протон резонанс кенглики $\Gamma_p \approx$50 кэВ.



2 – расм. ^{15}O ядросининг қуйи тўрта боғланган ҳолатларга ўтиш астрофизик S-факторлари. Эксперимент натижалари (квадратчалар) [G. Imbriani et al.,Eur.Phys.J.A25, 455 (2005)], (учбурчакчалар) [R. C. Runkle et al., Phys. Rev. Lett. 94, 082503(2005)] ва (доирачалар) [U. Schr¨ oder et al.,Nucl.Phys.A467, 240 (1987)] ишлардан келтирилган. Чизиқлар – биз ҳисобланган натижалар: узлуксиз чизиқ–тўлик астрофизик S-фактор; штрих чизиқ - тўғри радиацион қамраш астрофизик S-фактори.



3 - расм. ^{15}O ядросининг қуйи тўрта боғланган ҳолатларга ўтиш астрофизик S-факторлари. Эксперимент натижалари (квадратчалар) [G. Imbriani et al.,Eur.Phys.J.A25, 455 (2005)], (учбурчакчалар) [R. C. Runkle et al., Phys. Rev. Lett. 94, 082503(2005)] ва (доирачалар) [U. Schr¨ oder et al.,Nucl.Phys.A467, 240 (1987)] ишлардан келтирилган. Чизиқлар – биз ҳисобланган натижалар: узлуксиз чизиқ–тўлиқ астрофизик S-фактор; штрих чизиқ - тўғри радиацион қамраш астрофизик S-фактори. Йиғинди астрофизик S – факторнинг экспериментал қийматлари (•) [A. Lemutet al., Phys. Lett. B634, 483 (2006)] ишдан келитирилган; штрих, пунктир ва штрих пунктир чизиқлар мос равшида [A. M. Mukhamedzhanov, P. Bem, B. A. Brown,et al.,Phys. Rev. C67, 065804 (2003)., A. Lemutet al., Phys. Lett. B634, 483 (2006); R. C. Runkle et al., Phys. Rev. Lett. 94, 082503(2005).] иш натижалари.



4 - расм. $^{14}N(p,\gamma)^{15}O$ реакция тезлиги. Узлуксиз чизиқ – бизнинг натижамиз, штрих чизиқ - [C.Angulo, M.Arnould et all., Nucl.Phys**. A656**, 3 (1999)] натижаси. Қўшимча расмда ушбу ишда олинган (узлуксиз чизиқ) ва [A. M. Mukhamedzhanov, P. Bem, B. A. Brown,et al.,Phys. Rev. C67, 065804 (2003)] да олинган натижаларнинг (пунктири чизиқ) [C.Angulo, M.Arnould et all., Nucl.Phys**. A656**, 3 (1999)] маълутомлар базасидан келтирилган натижаларга нисбати келтирилган.

Диссертациянинг “**Оғир ядро ^{208}Pb нинг кулон майдонида ^{6}Li $\rightarrow$ *d* + α парчаланиши, *d* + α$\rightarrow^6$Li учун асимптотик нормировка коэффициенти ва ўта қуйи энергияларда *d*(α, γ)^{6}Li ядровий – астрофизик реакцияси**” номли тўртинчи бобида ^{208}Pb(^{6}Li, *d*α) ^{208}Pb кулон парчаланиш реакциясини уч заррачали усул доирасида ифодалаш орқали *d* + α$\rightarrow^6$Li нинг АНК сини экспериментал қийматларини аниқлаш таклиф этилган. Уч танали модел доирасида (*d*, α ва ^{208}Pb) кулон парчаланиш ^{208}Pb(^{6}Li, *d*α) ^{208}Pb реакцияси матрица элементи ифодаси олинган. Бунда (*d*, α ва ^{208}Pb) уч тана қутбланган потенциалига тўғри келадиган $\Delta V_f^C(\boldsymbol{r},\boldsymbol{\rho})$ ўтиш оператори сўнги ҳолат уч заррачали кулон тўлқин функцияси (УЗКТФ) $\Psi_{k;p}^{(-)*}(\boldsymbol{r},\boldsymbol{\rho})$ ва ^{6}Li ядросининг (*d* + α) канал учун қопланиш интеграли $I_{\alpha d}$ (***r***) билан свертка килинади, бунда ***r*** (***ρ***) – дейтрон ва α- заррача масса марказларини ^{208}Pb ядроси билан туташтирувчи радиус-вектор ва ***k***(***p***) - уларга тиркалган импульс. Реакция матрица элементини ушбу ишда ҳисоблашда иккита яқинлашиш, П1 ва П2 қўлланилган. П1 яқинлашишда снаряд ^{6}Li Резерфорд траекторияси бўйича ҳаракатланади. Мос равишда матрица элементидаги ρ ($\rho_{\min} \le \rho < \infty$) бўйича радиал интеграллашда қуйи чегара ($\rho_{\min}$) классик мўлжал параметрига b ($b \le \rho < \infty$, $b = Z_{Li}Z_{Pb}e^2 ctg(\theta/2)/2E$) га тенг деб олинади, Z_A – А нуклид заряди, E – тўкнашаётган ядролар нисбий кинетик энергияси, θ - кулон сочилиш бурчаги. П2 яқинлашишда ^{6}Li ядронинг *d* ва α- заррачага парчаланиши (ρ_N) каттароқ масофаларда, яъни $\rho > \rho_N$ масофаларда юз беради деб қаралади. Бу яқинлашишда $\rho_{\min}$ қиймати бошка авторлар томонидан қўлланилган $\rho_{\min} = \rho_N + \pi Z_{Li}Z_{Pb}e^2/4E < b$ ифодадан аниқланади, бунда $\rho_N = r_0(6^{1/3} + 208^{1/3})$ ва $r_0 = 1.36$ Фм деб олинган. Иккала яқинлашишда матрица элементидаги УЗКТФ

$\Psi^{(-)*}_{k;p}(\boldsymbol{r},\boldsymbol{\rho})$ ва қопланиш интеграли $I_{\alpha d}(\boldsymbol{r})$ ининг радиал қисмларини кўрилаётган кинематика учун ($r/\rho<<1$) асимтотик ифодалари билан алмаштириш мумкин бўлади. УЗКТФ асимптотикасининг қўлланиши кўп зарядли ^{208}Pb – ион кулон майдонининг парчаланишда ҳосил бўлган фрагментларнинг нисбий ҳаракатига таъсирини ифодалайдиган уч заррачали “post acceleration” кулон эффектини хисобга олишга йўл очиб беради. Шуни айтиб ўтиш жоизки, “post acceleration” эффекти - бу экспериментда реакция натижаларининг фрагментлар нисбий тезлигига боғлиқлик графигининг фрагментлар жойини алмашганда яққол кўзга ташланадиган ассиметрияси кўринишдаги физик ҳодисадир. Бунга сабаб, кўп заряди кулон майдонида зарядининг массасига нисбати турлича булган фрагментлар турлича тезланишади. Бу ҳодиса ушбу кулон майдони мўлжал ядронинг ядровий тортиш таъсиридан қанчалик ҳолис бўлса, шунчалик яққкол амалга ошади. П1 якинлашишда “post acceleration” эффекти эксперимент кинематикасининг қанчалик тоза кулон парчаланиш (ТКП) га жавоб беришлигининг асосий шарти қилиб олинган.

УЗКТФ нинг ишлатилиши реакция уч каррали дифференциал кесимини (УКДК) қуйидаги параметрланган кўринишда олишга имкон беради:

$$\frac{d^3\sigma}{d\Omega_{Li}d\Omega_{\alpha d}dE_{\alpha d}} = C^2_{d\alpha}\,\frac{d^3\tilde{\sigma}}{d\Omega_{Li}d\Omega_{\alpha d}dE_{\alpha d}}\ , \qquad (3)$$


